

«Кумуш тугма» муборак!



19:50 / 27.08.2021 2005

Islom.uz портали YouTube ижтимоий тармоғидаги канали обуначилар сони 100 мингдан ошгани муносабати билан бериладиган «Кумуш тугма» (Silver button) билан тақдирланди.

Ҳозирда YouTube ижтимоий тармоғидаги каналимизга обуна бўлганлар сони 355 мингдан ортди.

Islom.uz портали ижодий жамоаси YouTubeдаги каналимизга обуна бўлиб, дуо қилиб, бизни қўллаб-қувватлаб турган барча кузатувчиларга самимий миннатдорчилик билдиради. Барчангизга ташаккур, марҳамат, ижтимоий тармоқдаги саҳифаларимизни кузатишда давом этинг!

Аллоҳ таоло хайрли ишларимизни бардавом айласин!